



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ “АСРГА ТАТИГУЛИК КУН” АСАРИДАН ОЛИНГАН ПАРЧА УСТИДА ИШЛАШ

Юлдашева Муножатхон Хакимбековна

НамДУ Узбек филологияси лингвистика

кишки Кабул 1 курс

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8429898>

ARTICLE INFO

Received: 03rd Oktober 2023

Accepted: 10th Oktober 2023

Online: 11th Oktober 2023

KEY WORDS

Таълим, умуминсоний қадриятлар, турли адабиёт танқидий мақолалар, Асрга татиғулик кун, миллий қадриятлар.

ABSTRACT

Бадиий асар тилини пухта ўрганмасдан туриб асар моҳиятини ҳам, ёзувчининг бадиий эстетик ниятини ҳам, шу асарнинг сўз санъати тарихи жараёнидаги ўрнини ҳам белгилаш мумкин эмас. Афсуски, асар тили устида ишлаш қўпинча мумтоз асарларни ўрганиш асосида луғат билан ишлаш, айрим ўзлашма сўзлар ёки қўчма маъноли сўзларни жиҳозлашдангина иборат бўлиб қолган.

Аслида бадиий асар тили адибнинг ғоявий ниятлари қўзғуси бўли, айтиш ана шу нуқтада ёзувчининг санъаткорлиги, унинг сўз санъатидан фойдалана олиш маҳорати очиқ намоён бўлади.

Таълимга миллий мустақиллик ғоясини сингдириш билан боғлиқ бўлган асосий масала – бу миллий ва умуминсоний қадриятларни англаш ва қадрлашга ўргатиш масаласи. Миллий қадриятлар эса умуминсоний қадриятларнинг узвий қисми бўлиб, улар ўртасига сунъий тўсиқ қўйиб ажратиш бўлмайди. Ваҳоланки, Она Ватанга муҳаббат, элу-юрт олдидаги фарзандлик бурчи тўйғуси, қон-қариндошлик масъулияти ва шу каби буюк хислатлар ҳар бир миллатга хос қадриятлардир. Шунинг учун ҳам “қизил империя” ўз куч қудратини кўз-кўз этиб, сохта ишлар, даъвату ташвиқотлар билан миллионлар кишиларни жаҳолатда, эрксизликда ушлаб турган пайтдаёқ зукко тафаккур соҳиби Чингиз Айтматов бош уриб, кишиларни атрофимизда бўлиб турган воқеа-ҳодисаларга уйғоқ нигоҳ билан боқишга чақирди. Унинг “Асрга татиғулик кун” романи гўё зулматда чақнаган яшиндек атрофни ёритди, баъзи ҳолат ва ҳодисаларни талқин этишга, хулоса чиқаришга, ўзимизнинг манқуртланиб бораётганимизни англашга ундади. Асар шу пайтдаёқ кенг жамоатчиликнинг диққат эътиборини тортди, асар юзасидан турли адабиёт танқидий мақолалар, телевизион суҳбатлар ўтказилди.

Таниқли мунақидларимиз О.Шарофиддинов, И.Каримов, Н.Худойбергеновларнинг адабий – танқидий мақолаларда асар юксак баҳоланди. Айтиш мумкинки, асарда Шўро даври маънавиятининг буткул хароблашгани ва тез кунда инқирозга учраши башорат қилинди.



Асарда илк бора миллий анъаналарга ҳурмат билан қараш, миллий тилнинг обрўси масаласи фавқулодда долзарб муаммо сифатида ўртага ташланди.¹

Ушбу асар умумтаълим мактабларининг XI синфида, академик лицейларнинг III босқичида ўтилиши тегишли дастурларда қайд этилган.

Асарни ўрганиш, таҳлил қилиш учун умумтаълим мактабларида 4 соат, академик лицейларда 4 соат ажратилган. Асарни рус тилидан Асил Рашидов таржима қилган ва дарсликлар шу шу таржимоннинг таржимаси киритилгандир.

Чингий Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” асари роман бўлганлиги учун энг аввало роман ҳақида назарий маълумот бериш (такрорлаш) лозим деб топдим.

Лотин тилида ёзилган асарлардан фарқли ўлароқ роман тилларида (француз, немис ва б.) ёзилган ҳар қандай асар дастлаб роман деб аталган. Ўрта асарлар деб номланган маданий даврининг сўнги йилларида бошланган бу жараён кейинчалик ёпиқ асарларнинг кўплаб яратилиши ҳамда ҳисса ва романларнинг майдонга кела бошлаши билан якунлади. Марказида алоҳида бир шахс тақдири турган, шу шахс характерининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни тасвирланган асарлар роман деб юритила бошлади.²

Ушбу роман 1980 йилда ёзилган, лекин асар 8 йил ўтгач ўзбек тилига илк бора 1988 йил Асия Рашидов томонидан таржима қилинади.

Романнинг асл бошланиши қуйидагича:

Бул китоб жисму фироғимдни менинг,

Бу калом жону жаҳонимдир менинг,

Пригор Нарехаи “Мусибатнома” X аср.

Қақраб кетган жарликлару суви қуриган сойликларда ризқ илинжида хўрак излаб чиққан тулкининг жонига тўзим берсин.³

Дарсликда романнинг бир парчасигина, Она Байит ҳақидаги ҳикоя берилади, романда бу 107-бетдан бошланади. Лекин қўувчиларга асарни тушунтириб, бошидан ҳикоя қилиб бериш, кўпроқ, мақсадга мувофиқ бўларди. (Албатта бу ўқитувчига). Дарсликда роман (парча) шундай сўзлар билан бошланади.

“Мана бугун ўша жойга Бўронли⁴ бекатдан чиққач, туя-тракторқ аралаш, ит ҳамроҳлигида ғаройиб дафн карвони яқинлашмоқда эди.

Она Байит қабристоннинг ўз тарихи бор.”

Адиб нақадар маҳорат, сўз устаси эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Энг аввало, тасвирнинг муаллиф тилидан олиб борилиши диққатимизни ўзига тортади. Унда жунг жанглари⁵нинг Сари-ўзак⁶ атрофидаги шафқатсизликлари, “Маҳкумнинг бошига тери қалпоқ тортиш йўли билан диққатни бир тарзда қийнаб, унинг хотирасини йўқотар эканлар” сингари дастлабки ахборот берилади. Айни шу

¹ Тил ва адабиёт таълими журнали. 1998 йил 6-сон, Туйғулар мавжи, 19-бет, М.Иноятова

² И.Каримов, Т.Мирзаев, Б.Назаров ва б. “Адабиёт” дарслик. Тошкент “Маънавият” 2002 й. 142-бет.

³ Ч.Айтматовнинг «Асрга тутигулик кун» романи. “Адабиёт ва санъат” нашрети 1988 йил. 10-бет

⁴ **Очик ерда турганлиги учун, атрофида ҳеч нарса йўқ. Қозоқча ва руча бўронли-буранний деб ёзилган**

⁵ “Жуаньжуань” деб аталиши улуғ номи шундай ўгирилган.

⁶ Қозоғистоннинг энг катта чўли.



ахборот (дастлабки) воқеаларнинг кейинги ривож билан бевосита боғлиқ. Аниқроғи, уларга ўзига хос киришдир.

Ривоятдаги Она қатъиятли, фарзанд тақдирига ҳар қандай шароитда ҳам умид билан қарайдиган шахс тарзида гавдаланади. У жангда бедарак кетган ўғлининг ҳалок бўлганига ишона олмайди. Ўғлининг тириклигини, унинг душман қўлида азоб чекаётганини оналик қалби билан ҳис этади.

Бу ҳақда дастлаб қуйидагиларни ўқиймиз:

“Хужжатлар фалончини манқурт қилишибди, деган хабар тарқалган тақдирда тутқуннинг энг яқин биродарлари ҳам қутқаришга ёки пул эвазига қайтариб олишга уринмаёқ кўярдилар, негаки, бу ўша одамнинг қуруқ жасадинигина қайтариш деган сўз эди”.

Ана шундан сўнг вазиятга зид ҳолда она тимсоли чизилади.

“Фақат биргина найман волидаси – ривоятларда Найман она номи билан машҳур бўлиб кетган аёлгина ўз ўғлининг бу тахлит аччиқ қисмати билан муроса қила олмади”. Бу онага берилган таърифлар, тасвирлар айтилган пайтда она қалбидаги нозик туйғуларни, унинг ахлоқий-маънавий қиёфасини аниқ тасвир этиш имконини беради. У ўғлининг ғам-ғуссаси оловида қоврилган.

Йўловчи савдогарлардан манқурт⁷ йигит ҳақидаги хабарни тинглаган Найман она кечинмаларни асарда жонли ва ишонарли тасвирланади. “Бу хабарни эшитиб, ногоҳ даҳшатга тушганини, ранг-рўйи ўзгариб кетганини ҳеч ким сезмади. У савдогарлардан ёш манқурт тўғрисида яна нималарнидир сўраб-суриштиргиси келар, аммо худди мана шу нарса яна ҳам кўп нарсани билишдан ваҳимага тушарди”.

Бугина эмас “Она кўнглини аллақачонлардан бери жанг майдонида қолган ўғлининг бедарак кетгани ғам қилиб келар эди, энди ўша сезги, ўша гумон қайта кўзғалиб, уни даҳшатга сола бошлади...”

Она изтироблари жонли ва кучли сифатлашлар билан аниқ ифодаланади. Аччиқ қайғу, поёни йўқ ўй-хаёллар она қалбини поралар эди. Мудҳиш ҳаёл, совуқ шубҳа сингари сифатлар онанинг ўша пайтдаги ҳолатига ниҳоятда мос. Зиддиятли ўй-хаёллар она кайфиятини белгиловчи асосий омилдир.

Онанинг ички изтироблари унинг портрети – қиёфаси тасвирида ҳам ёрқин ифодалаган. У алам ва даҳшатдан лаблари дириллаб, шунча уринса ҳам, ўзини қўлга ололмасди. “Уни босиб турган тоғдай ғам юки остида эзилиб фарёд чекар, кўз ёшлари селдай оқарди.” ёки:

“Найман она букчайиб ўтириб қолди, хўрсиниб-хўрсиниб йиғилади ва шу ўтиришда юзини чангаллаганча бош кўтармай узоқ қолиб кетди. Сўнг бор кучини тўплаб, ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб ўғли томон юра бошлади.”

Бадий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, сўз санъаткорлари фақатгина умумхалқ тилида мавжуд бўлган сўз ва иборалардангина фойдаланиб қолмасдан, уларни қайта ишлаб, янги-янги маъноларда қўллайдилар, маъноларини кенгайтирадилар, бойтадилар. Тушунишимизни илк имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги сўз ва иборалар яратадилар.⁸

⁷ Ўзини исмини хотираси, инсонлигини йўқотган шахс.

⁸ Кўчқортосев И. Бадий нутқ стилистикаси. Тошкент. ТошДУ, 1975 й. 62-75-бетлар.



“Балки шу боисдандир, манқуртга айлантирилган, ўғлининг ғам – ғуссаси оволида қоврилган Найман она шундай зикр қилди....

....шунда Найман она сўраб-суриштиришлар билан эмас, балки ақлини ковлаш, қитиқлаш билан эс-хушини ўзига келтиришмоқчи бўлди...”

Бадиий асарни таҳлил қилишда унинг фонетик, лексик ва морфологик томонлама эътибор берилади.

-Аввало фонетик таҳлилда, фонетика ўзи нима деган савол берилиб фонетик бирликлари сўралади.

Ж: Фонетика юнонча phone товуш, phonetike – товушга оид маъноларини англатиб нутқ товушларини ўрганади.⁹

Жавобни тинглагач, ҳар бир қаторга асарда энг фаол қўлланган сўзлардан фонетик таҳлил қилиш учун намуна берилади.

Масалан: Сариўзак,¹⁰ манқурт¹¹, жунгжанг¹², Она-Байит¹³, Найман она.¹⁴

Сариўзак – 8 та ҳарф, 8 та товуш.

С – ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди ундоши, ҳосил бўлиш усулига кўра, - сирғалувчи; товуш пайчаларининг иштирокига кўра – жарангсиз;

а- тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳолатига кўра – олд қатор; тилнинг бертикал (тик) ҳолатига кўра – қуйи кенг, лабларнинг иштирокига кўра – лабланмаган;

р- ҳосил бўлиш ўрнига кўра – тил олди ундоши; ҳосил бўлиш усулига кўра титроқ; - товуш пайчаларининг иштирокига кўра – сонор (овоздор), жарангли;

и – олд қатор унли, юқори тор, лабланмаган;

ў – орқа қатор, ўрта кенг, лабланган унли;

з – тил олди, сирғалувчи жарангли ундош;

а – олд қатор, қуйи кенг, лабланмаган унли;

к – тил орқа, портловчи, шовқинли, жарангсиз ундош.

Шу билан бирга фонетик бирликлар юзасидан ҳам кўриб чиқамиз.

Фонетик бирликлар –нутқ товушлари ва шунга асосланадиган фонетик ходисалар; бўғин, урғу, оҳанг¹⁵.

Бир ҳаво зарби билан айтиладиган товуш ёки товушлар йиғиндиси бўғин дейилади. Сўзда нечта унли бўлса шунча бўғин бўлади. Бўғинлар очиқ ёки ёпиқ бўлади.

Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ овоз билан айтилиши урғу дейилади.

Ҳар бир ўқувчига 1 сатрдан гапларни кўчириб, бўғинларга ажратиб, урғусини тўғри қўйиш вазифаси берилади:

Бу ўл-ка-лар-да по-езд-лар маш-риқ-дан – мар-ғиб-га то-мон, мағ-риб-дан маш-риқ-қа томон пай-дар-пай қат-наб ту-ра-ди.

⁹ Жалолхон Умаров. Ўзбек тили савол – жавобларда. Фарғона 2001 й. 3-бет.

¹⁰ Сариўзак (33)

¹¹ Манқурт (49)

¹² Жунгжанг (37)

¹³ Она-Байит

¹⁴ Найман она (43) марта қўлланган.

¹⁵ Н.Улуков “Тилшуносликка оид таянч сўз ва ибораларнинг изоҳли лугати”. Наманган 2003 й. 46-бет



Те-мир йўл-нинг ик-ка-ла то-мо-ни-да ёв-шан-зор би-лан қоп-лан-ган ҳай-ҳот-дай дашт-лик Са-ри-ў-зак, ўп-та-чўл яс-та-ниб ё-та-ди.

Ҳар қан-дай ма-со-фа Прин-вич ме-ри-ди-а-ни-дан ўл-чан-га-ни син-га-ри бу ер-лар-да ма-со-фа те-мир йўл-га нис-ба-тан ўл-ча-на-ди.

Фонетик ҳодисалар, яъни нутқда товушларнинг уйғунлашуви (ассимиляция), бир товуш ўрнида иккинчисининг талаффуз қилиниши (диссимиляция), товушларнинг ўрин алмашилиши (метатеза), товушларнинг арттирилиши (протуза, эпентеза, эпитеза) ёки туширилиб қолдирилиши (прокопа, синкопа, апакопа, редукция) каби фонетик ҳодисалар энг аввало сўзлашув усулида намоён бўлади.¹⁶

Биз асарда бундай фонетик ҳодисаларни учратмаймиз. Бадий адабиёт тили адабий тил билан бирга умумхалқ тили бойликларини ҳам қамраб олади.

...адабий тилда диалектизмлар, жаргонлардан, варваризмлардан, дағал сўзлардан, эскирган сўзлардан, оддий сўзлашув тили элементларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолда уларни бадий нутқда ўрни билан қўлланиш мумкин.¹⁷

Асарни лексик таҳлил қилишда, лексикология нимани ўргатишини ва уни ўрганиши мумкин бўлган мавзуларни кўриб чиқамиз.

Лексикология (юнонча *lexikos* – луғатга, сўзга оид, луғат ҳақидаги + *logos* – таълимот). Тилшуносликнинг лексема, лексик маъно (луғавий маъно), луғавий бирликларнинг маъно тузилиши, шакл ва маъно (тузилишига) муносабатига кўра турларини ўрганувчи бўлими.¹⁸

Бир маъноли сўзлар – пул, инсон, кул, вужуд, она, рўмол, дашт ва ҳ.к.

Кўп маъноли сўзлар – Битта туянинг бўйин териси беш-олтита қалпоққа етади.

Қош қорая бошлади. (Қоронғу туша бошлади – ўринида).

Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари:

а) Литафора.

Аммо – лекин, суҳбатни давом эттиришади меҳмонлар, манкут ғирт аҳмоқ бўлса ҳам, ишига пухта экан – токи биз унинг туяларидан узаб кетмагунимизга кўз-қулоқ бўлиб турди.

Озгин, чайир оёқлари узундан келган, товонлари юмшоққина, қарилугу оғир юкдан ҳали толиқмаган, қўш ўркакчи, камондек эгилиб келган бақувват бўйнию боши келишимли, капалакнинг қўш қанотидай дириллаб, енгил елиб, йўл-йўлакай ҳавони сипқариб бораётган оқмоя бебаҳо туя бўлиб, унинг бир ўзига бутун бир уюрни алиштирса арзир эди;

б) Синоним.

Чексиз дард-андухини енгиллаштириш учун кимга айтиб, кимга зорлансин, ғам-андухини енгиллаштириш учун парвардигордан бўлак кимга ҳам илтижо қилсин...

в) Антоним

Ўғлининг дараги чиққанидаку, эртаю-кеч ич-этини еб, гумонсираб, кўнглида совуқ шубҳани кўтариб юрмаган бўларди.

¹⁶ “Нутқ маданияти ва услубият асослари”. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Тошкент “Ўқитучи” 1992й. 78-бет

¹⁷ “Нутқ маданияти ва услубият асослари”. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Тошкент “Ўқитучи” 1992й. 90-бет

¹⁸ Н.Улуков “Тилшуносликка оид таянч сўз ва ибораларнинг изоҳли луғати”. Наманган 2003 й. 25-бет



....Жўламон қўйганимиз. Сен туғилганингда биз ўша ерда қолиб уч кеча-кундуз тўй томонга қилганмиз.

Атама а) (буёқсиз – бетараф) сўзлар.

Гумони тўғри чиқди, пайқаб қолган экан.

(Маълум тушунчани ифодалаб, сўзловчининг муносабатини билдирувчи қўшимча маъноси бўлмаган сўзлар).¹⁹

б) Бўёқ сўзлар.

У Бароқ туя устида атрофга олазarak бўлиб қаради, кўпчиб кетган юзлари жиддий тусда, бошидан қора қалпоғининг иккала учи тепага қайрилиб, гўё қайиқни эслатарди.

(Нарса, белги, ҳаракатни аташ билан бирга, сўзловчининг шу нарсага, белги, ҳаракатга турлича ҳиссий-таъсирий муносабатини билдирувчи сўзлар).²⁰

Касб-хунарга оид сўзлар.

(Маълум касб-хунаргагина хос бўлган сўзлар)

“Конвенция” авнабардоридан “Паритет” самовий бекатидаги назоратчи – фазогирларга яна битта шифрланган радиогарма узатилди. Бу радиогармада айна ўша қатъий таҳдид оҳангида Қуёш Галактикасидан ташқарида парвоз қилаётган 1-2 ва 2-1 паритет – фазогирлар билан уларнинг самовий бекатда қайтиш вақти ва имкониятини муҳоама қилиш мақсадида радиоалоқа қилмаслик, шундан сўнг Қўшмарбош кўрсатмаларини кутиш маслаҳат берилди.

Эскириб қолган сўзлар.

Қабиладош, ҳайдар кокилли суворилар, қурол-яроғ, узанг, чавандоз, эгар-жабдуқ, қул, ўқ ёй ва ҳ.к.

Шевага хос сўзлар.

-Мен ботаси олген боз мая,

Тулябын келинг искеген...

Таржимаси:

Тулубин келиб искаган,

Бўтаси ўлган бўз мояман.²¹

(Ўзбек тилига қардош бўлмаган (сўзлар) араб, форс, тожик, русча, байналминал тилларидан кириб келган.)

а) радиогарма, паритет, шифр русча, рус тилидан ўзлашган;

б) инсон, авлод, муножот араб тилидан ўзлаштирилган;

в) сароб, дашт, меҳрибон форс – тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзлар;

Фразеологик иборалар.

Ўп гулидан бир гули очилмаган, мурилаби эдигина сабза ура бошлаган, келбати келишган, аммо икки оғиз гаплашмоқчи бўлсинг, худди кеча туғилганга ўхшайди.

Нуст услуби.

Сўзловчи ва ёзувчининг ифодалаётган фикрига, воқеа, ҳодисага шахсий муносабатидир. Нутқ услубларидан бири – бадий услуб ҳисобланади.

¹⁹ Жалолхон Умаров. Ўзбек тили савол – жавобларда. Фарғона 2001 й. 20-бет.

²⁰ Жалолхон Умаров. Ўзбек тили савол – жавобларда. Фарғона 2001 й. 20-бет.

²¹ Туянинг боласи ўлганида сут бермай қўймасин, деб бўталогининг терисига сомон тикиб онасига кўрсатилади. Шунда ҳайвоннинг меҳри товланиб, елинига сут келади.



Бадий услубда бадий асарлар (назм, наср, ҳикоя, қисса, роман, новелла, дoston, феълетон, эртақ, қўшиқ) яралади. Бадий асарда ёзувчилар тилининг тасвирий – таъсирий воситалари (сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, муболага, киноя ва ҳ.к.) ёрдами билан воқеа – ҳодиса турли бўёқ беради. Ўз ҳис-ҳаяжонини, ички кечинмаларини қўшиб, асар мазмунини бадий образлар орқали баён қилади.

Бадий услубда ёзувчи тилда мавжуд бўлган воситаларнинг ҳаммасидан фойдалана олади.

Риторик сўроқ. Риторик хитоб.

Риторик сўроқ услубий приём сифатида ўқувчининг ёки тингловчининг диққатини маълум бир мавзу ёки унинг қисмига жалб қилиш учун ишлатилади.

Одатда, сўроқ гап тингловчидан жавоб талаб қилади, риторик сўроқ гапларда эса жавоб талаб қилинмайди.²²

“Бўталоғим сени хотирангдан жудо этаётганларида, бошингга кўринмас териқалпоқ ўрнатиб эс-хушингдан ажратаётганларида, ёнғоқ қисқичдек бошингга кийдирилган туятери аста-секин қуриб қовжираб бош чаноғингни жингиртоб қилиб сиқаётганида, Саридаштининг дудсиз отаси остида, (даҳшатли кўркүвдан кўзларинг косасидан ирғиб чиққанида, Сарийўзак даштининг) ўлим талвасаси билан олиниб, лабингни ҳўллашга ҳам еру кўкдан бир томчи сув тополмай ташналик азобида қоврилаётганингда, ҳатто борлиққа ҳаёт бахш этувчи хуришди олам сенга сўқир, балo-қазo бўлиб, дунёдаги жамики юлдузлар қарo хулмат бўлиб кўрингандур?

Тулпорим, жон азобидаги юракни ўртовчи оху фарёдинг саҳро узра фалакка кўтарилганда, илондай тўлғаниб, бақириб – чақириб куну-тун тангрига илтижо қилганингда, нажотсиз кўкдан мадад кутганингда, азоб-уқубат ичра нафасинг хиппа бўғизиганида, оғиз-бурнингга сув келиб, аъзойи баданингдан тер чиқиб, ўша бадбўй ҳидга булғаниб ётганингда, мўл-малаҳдай пашшалар тўдасига ем бўлиб эс-хушингни йўқотаётганида бу дунёда барчамизни яратиб қўйиб, сўнгра унутиб қўйган тангрига жой жаҳдинг билан лаънат ўқидингми?

б) Такрор

Илмий адабиётларда аллитератия, анафора, эпифора, рифма (қофия), ассонанс, консонанс, монорим, пмоназм, тавтология, нақорат кабилар бадий такрорнинг турли хил кўринишлари сифатида талқин қилинади.²³

Адабий таҳлил матн таҳлилининг мураккаб турларидан бўлиб хилма-хил вазифалар бажаради. Чунки бу таҳлилдан кузатиладиган мақсад асарнинг барча хусусиятларини ўрганишдир.²⁴

Морфологик таҳлил сўзларнинг тузилиши, ўзгариши мустақил сўз туркумлари ёрдамчи сўз туркумларини ўрганамиз.

От – предмет номини билдириб, ким? нима? қаер? сўроғининг бирига жавоб бўлган сўзлар.

²² “Нутқ маданияти ва услубият асослари”. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Тошкент “Ўқитучи” 1992й. 112-бет

²³ “Нутқ маданияти ва услубият асослари”. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Тошкент “Ўқитучи” 1992й. 113-114-бет

²⁴ Бадий текстнинг лингвистик таҳлили. Б.Ўринбоев. Р.Қўнғуров, Ж.Лапасев. Тошкент “Ўқитувчи” 1990 й. 38-бет



1. Инсонга оид номлар:

Найман она, Жўломон, Дўнанбой ва ҳ.к.

2. Жониворга оид номлар:

Тулпор, бўта, моя, оқмоя (туянинг номи) ва ҳ.к.

3. Нарса ва жисм номлари:

Сув, авнабардор, лиридан, поезд ва ҳ.к.

4. Воқеа – ҳодиса номлари:

Шамол, жанг, уруш, тўй каби.

5. Белги – сифат номлари:

Ёзувлик, бедодлик, инсонийлик, тинчлик, яхшилик ва ҳ.к.

6. Ҳаракат – ҳолат номлари:

Ютуқ, тортиқ, чопиқ каби.

7. Ўрин – жой номлари:

Тепалик, жой, жарлик ва ҳ.к.

а) Турдош отлар – манқурт, қурол-яроғ, дала, туя.

б) Аниқ отлар – сув, овул, она, ҳужжат, савдогар.

б) Якка отлар – туя, одам, бола, йигит, от каби.

г) Жамловчи отлар – эл, оломон, тўда, гала.

д) Атоқли отлар – Сариўзак, Паритет, Конвенция, Найман.

е) Бирликда қўлланиладиган отлар – этик, ғалвор, куйлак, чакмон, рўмол, либос, туя.

ё) Кўпликда қўлланиладиган отлар – кўзларига, ҳужжатлар, қузғунлар, оғанилар, ерлар, хотин-халажлар.

ж) Отларнинг турланиши (асарда)

Б.к – Найман она, манқурт.

Қ.к – Найман онанинг, ҳужжатларнинг.

Т.к – йигитни, манқуртни.

Ж.к – луқмонга, манқуртга.

Ўр.п.к. – Сариўзакда, туяда.

Ч.к – овулдан, заминдан.

Сифат – Белгини билдирган сўзлар туркуми. Қандай? Қанақа? каби сўроқларга жавоб бўлади.

1. Нарсанинг рангини билдирувчи сифатлар: оқ, қора – рўмол.

2. Нарсанинг хусусиятини билдирувчи сифатлар: шавқатсиз, қуруқ, бадбўй.

3. Шакл – ҳажмни билдирувчи сифатлар: кенг, узун, катта, улкан ва ҳ.к.

4. Ҳолатни билдирувчи сифатлар: маюс, тинч, зерикарли, машаққатли ва ҳ.к.

5. Вақт ва ўрин белгисини (бож) билдирувчи сифатлар: кечки, Найманлик, аввалги.

Сифат даражалари:

1. Оддий даража: аччиқ, поёнсиз, жиддий, қора.

2. Қиёсий даража: чуқурроқ, кучлироқ, қорамтир.

3. Орттирма даража: энг паст, энг оғир, энг зерикарли, энг машаққатли.



Сон – Соннинг номини, нарс-буюмнинг тартибини билдирган сўзлар туркуми.
Сон неча? қанча? нечта? нечанчи? Сўроқларига жавоб бўлади.

а) Миқдор сон: икки нафар, уч кун, икки меш ва ҳ.к.

б) Дона сон: тўртта ўтов, битта ёки иккитасигина тирик қолган.

Олмош – от, сифат, сон ўрнида қўлланадиган сўзлар туркуми.

1. Кишилиқ олмошлари:

Мен ҳар куни ойга тикиламан, у эса менга.

...улар энди аниқ кўрина бошлади. Улар ерга чўкдилар.

2. Ўзлик олмошлари:

Балки боласи ўз ерида ҳушига келиб....

Ўзинг кимсан?

3. Кўрсатиш олмошлари:

Найман она мана шу манқуртни излаётган эди.

....у ёқ – бу ёғини айланиб юрар, аммо у ёққа кўз югуртирмасин, қаерни изламасин, алдоқчи саробларга дуч келади.

4. Сўроқ олмоши:

-Ким билан гаплашгинг келади?

-Бу келаётган ким? – сўради она.

5. Бўлишсизлик олмоши:

Ҳеч кимнинг йўқлигига кўзи отгач, ўғлининг отини айтиб чақирди.

Бироқ ҳали ҳеч нарсдан дарак йшқ.

6. Гумон олмоши:

У ерда кимдир ўтирибди – деди ғулдираб.

....ёш манқурт тўғрисида яна нималарнидир сўраб, суриштиргиси келар, аммо.....

7. Белгилаш олмоши:

Қўлга тушган тутқунларни эса ҳаммасини қулликка маҳкум этар эдилар.

Феъл – Иш – ҳаракатни, ҳолатни билдирган сўзлар туркуми.

а) Тўлиқсиз феъл:

....кўзга чалинмаслик учун тезроқ ғойиб бўлиш керак эди.

б) Бўлишли феъллар:

...борлиқни тун зулмати қоплади.

...ўғлини отини айтиб чақирди.

в) Бўлишсиз феъллар:

Сен қўрқмагин!

Қилт этган жон қўринмади, ҳеч қандай овоз эшитилади.

1. Аниқ нисбат: Манқурт худди ит каби фақат ўз эгасини танийди.

2. Биргалиқ нисбат:ҳанузга қадар Найман онанинг ўша сўзларини бир-бирларига ривоят қилиб айтиб юрадилар.

Дарс жараёнида онадаги туйғуларнинг жунбушга келиши ҳамда ўғил-манқуртдаги бепарволик, лоқайдлик муқояси ҳам яхши самара беради. Айниқса, ифодаларда қўлланган сўзлар, бадий тасвир воситаларига эътиборни тортиши ўқувчилар қизиқишини ҳам, уларнинг фаолиятини ҳам кучайтиради.



References:

1. Ч. Айтматов. "Асрга татигулик кун". - "Ёшлар нашриёт уйи". 2018 йил.
2. Тил ва адабиёт таълими журнари. 2001 йил 2-сон. Бадий асар тахлири К. Ёдгор
3. Тил ва адабиёт журнари. 1998 йил 6-сон. Туйгулар мавжи. 19-бет, М. Иноятова
4. И.Каримов, Т. Мирзаев, Б. Назаров ва б. "Адабиёт" дарслик. Тошкент." Маънавият" 2002й.142 бет
1. 5.Кучкортов И. Бадий нутк стилистикаси" Тошкент. ТошДУ, 1975 й. 62-75 бетлар.
5. Н. Улуков." Тилшуносликка оид таянч суз ва ибораларнинг изохи лугати". Наманган 2003 й. 46-бет
6. Нутк маданияти ва услубият асослари". Р. Кунгуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев. Тошкент "Укитувчи" 1992 й